

## ВАЛЮТА СИЁСАТИНИНГ ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РАЎБАТЛАНТИРУВЧИ РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Хошимов Элмурод Абдусатторович  
Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби “Бизнесни бошқариш”  
кафедраси мудири, и.ф.н., доцент  
E-mail: [ehoshimov@gmail.com](mailto:ehoshimov@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада валюта сиёсатининг экспортни оширишга таъсири назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида валюта сиёсатининг экспортни ривожлантиришдаги раъбатлантирувчи ролини оширишга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** валюта сиёсати, девальвация, валюта курси, экспорт, импорт, савдо баланси, интервенция, капиталлар ҳаракати, олтин-валюта захирлари.

**Abstract:** The article analyzes the impact of exchange rate policy on export performance theoretically and practically. Scientific proposals and practical recommendations aimed at enhancing the stimulating role of exchange rate policy in improving export performance of the Republic of Uzbekistan have been developed.

**Keywords:** exchange rate policy, devaluation, exchange rate, export, import, trade balance, intervention, capital flows, gold and foreign exchange reserves.

### Кириш

Барчамизга маълумки, сўнги йилларда республикамиз иқтисодиётини янада либераллаштириш, хусусан, валюта сиёсати эркинлаштириш ва унинг тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хўжалик субъектлари экспорт салоҳиятини оширишга ижобий таъсирини таъминлашга қаратилган қатор таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастурил амал бўлиб, унинг учинчи устувор йўналиши ҳисобланмиш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари доирасида илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш вазифалари белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонида мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш; валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда

экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий хамкорликни мустақкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш; валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш кабилар республикамизда валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Валюта курси сиёсатини хўжалик субъектлари манфаатлари нуқтаи-назаридан баҳолашда ягона тўхтамга келиш мушкул. Чунончи, халқаро операцияларни амалга оширувчи иқтисодий агентлар валюта курси тебранишлари билан боғлиқ рискларга дуч келадилар ва шу боисдан ҳам барқарор валюта курсларини афзал биладилар. Бошқа томондан, экспорт товарларини ишлаб чиқарувчилар, хорижлик рақобатчилари билан курашиш имкониятини ошириши боис, валюта курси эгилувчанлигини маъқул кўрадилар [2].

Айни пайтда, корхоналар мажбуриятларининг “долларлашуви” ёки хорижий валютадаги мажбуриятлар улушининг юқори бўлиши ва активларнинг асосан миллий валютада шаклланиши шароитида девальвация корхоналар балансига салбий таъсир этади, хусусан қарзга хизмат кўрсатиш қимматлашади. Девальвация оқибатида корхоналарнинг соф активлари қиймати тушади, валюта rischi даражаси ортади ва кредит олиш имконияти пасаяди. Бошқача айтганда, мажбуриятларнинг долларлашуви ва девальвация даражаси қанчалик юқори бўлса, балансга салбий таъсир ҳам шунчалик юқори бўлади.

Айрим иқтисодчилар валюта курси ўзгаришининг корхоналар баланси ва қарз капитали тузилмасига таъсирини тадқиқ қилган ҳолда, валюта курсидаги кескин тебранишлар натижасида кўриладиган зарарлар миқдорини изоҳлашда фирманинг катта-кичиклиги ва экспортга йўналтирилганлиги муҳим кўрсаткичлар бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди [3].

Бироқ “ижобий рақобатбардошлик самараси” (a positive competitiveness effect) ҳам мавжудки, у валюта курсининг девальвацияланиши натижасида корхона фаолиятининг самарадорлиги ортиши билан изоҳланади. Чунки девальвация экспорт қилинадиган товарлар ва хизматлар нархларини пасайишига олиб келади ва шу асосда компанияларнинг халқаро савдодаги рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунга қарамай, девальвациядан ижобий (рақобатбардошлик) ёки салбий таъсир (баланс) мамлакатдаги экспорт ва импорт нархларининг эластиклиги даражасига боғлиқ. Хом-ашё ва капитал товарлар (ускуна ва жиҳозлар) импорт қилинадиган шароитда, импорт юқори даражада ноэластик бўлса, хом-ашё ва ускуналарнинг қимматлашуви ҳисобига акс таъсир юзага келиши, яъни ялпи ички маҳсулот камайиши ҳам мумкин [4].

2002-2009 йиллар мобайнида Хорватиянинг номолиявий сектор корхоналари мисолида валюта курси ўзгаришининг рақобатбардошлик ва балансга таъсирини баҳолаш бўйича ўтказилган эмперик тадқиқотлар натижасига кўра, объект сифатида ўрганилган компанияларнинг рақобатбардошлигида ижобий самара кузатилган. Бироқ рақобатбардошлик самараси компанияларнинг балансларида валюта курси пасайишидан кўрилган зарардан, яъни баланс эффектидан паст бўлгани боис, якуний натижанинг салбий эканлиги аниқланган [7].

Шунингдек, баъзи эмперик тадқиқотларда экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш учун хом-ашё маҳсулотлари импорти юқори бўлганда, валюта курси

Ўзгаришининг экспортга таъсири паст бўлиши, хизматлар экспортида эса алмашинув курсларининг экспортга таъсири юқори бўлиши ҳолатлари ҳам аниқланган [6]. Бироқ кейинчалик В.Фанг ва С.Миллер Сингапур мисолида валюта курси девальвацияси ва экспорт боғлиқлиги қайта ўрганар экан, девальвация экспортни оширишга сезиларли таъсир этмаслиги, аксинча валюта рискени ошириши, шу боисдан Сингапур монетар органи экспорт ўсишини қўллаб-қувватлаш учун алмашув курсини қадрсизлантириш эмас, балки барқарорлигини сақлаш йўлидан бориши кераклиги борасида хулосага келадилар [9].

Япониялик иқтисодчилар томонидан 1990-2013 йилларда қарийб 360 мингта япон компаниялари мисолида валюта курси ўзгаришининг компаниялар фаолияти самарадорлигига таъсири ўрганилганда қатор боғлиқликлар аниқланган [5]. Хусусан:

а) иеннинг қадрсизланиши оқибатида япон компанияларининг сотувдан тушуми сезиларли даражада ошган (иеннинг 30 фоизга қадрсизланиши корхоналарда сотув ҳажмининг 3,9 фоизга ошишига сабаб бўлган);

б) япон компанияларининг активлари рентабеллиги (ROA) ҳам иен қадрсизланиши шароитида ижобий томонга ўзгарган (иеннинг 30 фоизга қадрсизланиши корхоналарда активлар рентабеллигининг 0,3 фоизга ошишига олиб келган).

Шарқий Африка мамлакатларида реал алмашинув курси ва экспорт рақобатбардошлиги ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилишга бағишланган тадқиқот натижалари кўрсатишича, қисқа муддатли истиқболда реал самарали алмашинув курсининг пасайиши юқори меҳнат сиғимли, малака талаби паст ва ўртача бўлган ишлаб чиқарувчи компаниялар экспортини оширишга хизмат қилади; аксинча алмашув курси девальвацияси малака ва технология сиғими юқори бўлган товарлар экспортига салбий таъсир кўрсатади [1].

Европа Иттифоқининг янги аъзолари ҳисобланган давлатларда жорий ҳисобварақ баланси ва экспорт самарадорлиги таҳлили натижалари кўрсатишича, инқирозгача бўлган даврда сузувчи валюта курсига эга бўлган мамлакатларда жорий ҳисобварақ баланси ва экспорт фаолияти самаралироқ бўлган. Бундан ташқари, курс сиёсатининг экспортни оширишда ҳануз фойдали тадбир бўлиши мумкинлиги таъкидланган [8].

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Ш.Бекмуродов ва Н.Х.Жумаевларнинг фикрича, валютада бозорида сўмнинг етакчи хорижий валюталарга нисбатан алмашув курси шаклланиши жараёнида бозор механизмларига таяниш валюта соҳасида амалга оширилаётган эркинлаштириш сиёсатига тўлиқ жавоб бергани ҳолда, алмашув курсларидаги тебранишлар даражасининг ортишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу эса Марказий банкнинг алмашув курсларидаги кескин тебранишларнинг олдини олиш мақсадида валюта бозоридаги талаб ва таклифга таъсир этиш имкониятига эга бўлиши ва шу мақсадда етарлича хорижий валютадаги активлар билан таъминланишини тақозо этади [10].

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотни бажариш жараёнида умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, танланма адабиётлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.


#### **Таҳлил ва натижалар**

Авваламбор, республикамизда валюта сиёсатини эркинлаштиришнинг қўйидаги ижобий жиҳатларини келтириш ўринлидир:

- капиталлар ҳаракати бўйича чекловларнинг бекор қилиши инвесторларнинг харажатларини камайтиради;
- мамлакатда инвестицион муҳит яхшиланади;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий валюта – сўмга нисбатан ишончи мустаҳкамланади, сўмдаги активлар улуши ортади.

Фикримизча, валюта сиёсатининг корхоналар рақобатбардошлигига таъсири бўйича эмпирик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилишда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги фарқли жиҳат ва ўзига хосликларга эътибор қаратиш зарур. Бинобарин, ривожланган мамлакатларда савдо баланснинг дефицити аксарият ҳолатларда меҳнат сиғими юқори бўлган ишлаб чиқаришни мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқарилиши билан изоҳланади. Айни пайтда АҚШ ва Европа Иттифоқининг етакчи мамлакатларида иқтисодиётнинг капитал сиғимли ва юқори технологик тармоқлари ривожланган бўлиб, улар, ўз навбатида, тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Экспортни қўллаб қувватлаш ва миллий компаниялар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ҳукуматлар миллий валюталарининг хорижий валюталарга нисбатан алмашинув курсини пасайтиришга ҳаракат қиладилар. Чунки девальвация ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва бизнес ривожини учун қулаш шарт-шароит яратади, деб қаралади.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси товарлар ва хизматлар баланси динамикаси, млн. АҚШ долларида**


*Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Бироқ, иқтисодиёти суст ривожланган мамлакатларда савдо баланснинг дефицитга эга бўлиши миллий товарлар рақобатбардошлигининг пастлиги, маҳаллий компанияларнинг ички ва халқаро бозорларда етарлича рақобат қила олмаслиги каби омиллар билан изоҳланади. Бундай шароитда, девальвация рақобатбардошликнинг пастлиги муаммосини ҳал эта олмайди, шунингдек, экспорт ҳажмида ҳам ўсиш кузатилмайди. Натижада девальвация мамлакатдаги инфляция даражасининг кўтарилишига сабаб бўлиб, миллий валюта харид қувватининг пасайишига, модернизация мақсадларида импорт қилинадиган ускуна ва жиҳозлар нархининг қимматлашувига, хорижий валютадаги кредитларга хизмат кўрсатиш шартларининг ёмонлашуви каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Девальвация натижасида экспортга йўналтирилган корхоналар муайян устунликларга эга бўлади, яъни экспорт қилувчи корхона хорижий валютадаги тушумларини миллий валютага айирбошлаганда қўшимча девальвацион даромад олади.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, 2014-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасининг товар ва хизматлар балансида (савдо баланси) 2015 йил 4-чоракни ҳисобга олмаганда, барча ҳолатларда дефицит кузатилган (1-расм).

Бироқ мазкур даврда миллий валюта – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси сезиларли даражада девальвация қилинган (2-расм). Назарий жиҳатдан девальвация ташқи савдо қолдиғига ижобий таъсир этиши, хусусан экспортни рағбатлантирувчи характер касб этиши керак эди. Фикримизча, мазкур ҳолат мамлакатимиз савдо режими билан боғлиқ бўлиб, турли божлар ва бошқа чекловлар боис, импортнинг кескин тушиши ва экспортнинг ошишини етарлича рағбатлантирмаган.




**2-расм. Сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвацияланиши даражаси, %да**

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда мамлакатимизда валюта сиёсатини эркинлаштиришда нафақат валюта сиёсатининг бозор механизмларини жорий қилиш амалиётини такомиллаштиришга, балки хўжалик субъектлари экспорт салоҳиятини юксалтиришни рағбатлантиришнинг муқобил усуллари ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш учун тижорат банклари томонидан экспорт кредитларини ажратиш амалиёти шулар жумласидандир. Шунингдек, савдо режимини эркинлаштириш бўйича ҳам муҳим қадамлар ташланаётганлиги, республикамизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолиги бўлиши учун етарли шарт-шароитларни таъминлашга жиддий ёндашув ҳам келгусида валюта сиёсати механизмларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Айни пайтда, валюта бозорида курс шаклланишининг бозор механизмлари амал қилишига монанд тарзда алмашув курсларида тебранишларнинг ортиши ҳам табиий ҳолдир. Бу эса миллий валюта курсининг кескин тебранишини олдини олиш мақсадида Марказий банкнинг интервенциясини тақозо этади. Бу жараёнда Марказий банкнинг валюта курси ўрнатилиши жараёнига аралашуви талаб ва таклифга таъсир этиш орқали юз беради. Шу сабабли Марказий банкнинг интервенцияни самарали амалга ошириш салоҳияти унинг олтин-валюта захираси ҳажми билан белгиланади.

Сўнгги йилларда республикамиз олтин-валюта захиралари ҳажмида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (3-расм).



**3-расм. Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари**

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.*

Бу, бир томондан, Марказий банкнинг валюта бозоридаги интервенцияни амалга ошириш салоҳияти ошаётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан, мамлакатнинг халқаро тўлов қобилияти, ликвидлилиги ҳамда иқтисодий хавфсизлиги

учун муҳимдир. Айни пайтда, 2020 йил 1 июль ҳолатига умумий расмий захиралар таркибида олтиннинг улуши 61,6 фоизни ташкил этган. Бундак кўринадики, олтин нархининг ошиб бориши шароитида мавжуд тенденция ижобий саналади. Фикримизча, Марказий банкнинг хорижий валютадаги ликвидлиликни таъминлаш мақсадида голд-своп операцияларини ривожлантириши жорий валюта захиралари сиёсатига мос тушади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта сиёсати самарадорлигини янада ошириш мақсадида валюта интервенциясини амалга ошириш инструментлари ва бозорларини ривожлантириш зарур. Хусусан, республикамиз банклараро валюта бозорида спот ва РЕПО битимларидан интервенция инструменти сифатида фойдаланиш, муддатли валюта бозорида эса ликвидлик ва курс бўйича кутилмаларга таъсир этиш учун своп ва форвард битимлари билан операцияларни амалга ошириш зарур.

Чунки деривативлар бозоридаги валютавий своп битимлари хеджирлаш ва спекулятив рисклар туфайли юзага келадиган талабни қоплашга хизмат қилади. Масалан, Бразилия валютавий деривативлари бозори спот валюта бозорига нисбатан ликвидроқ ҳисобланади ва бу, ўз навбатида, своп битимларининг валюта интервенциясида энг кўп қўлланиладиган инструментга айланишига сабабдир.

### **Хулоса ва таклифлар**

Умуман олганда, мамлакатимизда валюта сиёсатининг экспортни ривожлантиришдаги рағбатлантирувчи ролини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари валюталарига нисбатан сўмнинг реал алмашув курси ошиб кетишига йўл қўймаслик, зарурият бўлганда жадаллаштирилган девальвация сиёсатини қўллаш;

– алмашув курси барқарорлигини таъминлаш мақсадида асосий савдо ҳамкор ҳисобланувчи давлатлар марказий банклари ўртасидаги валюта ликвидлигини оширишга қаратилган валюта свопи битимлари линияларини ишга тушириш;

– курс ўрнатиш механизми шаффофлигини ошириш ва бу жараёнга Марказий банк аралашувини чеклаш мақсадида биржа савдоларида курс ўрнатишнинг оддий фиксинг усулидан воз кечиш;

– Марказий банкнинг муддатли валюта бозоридаги валютавий своп ва голд-своп операцияларини ривожлантириш;

– республика иқтисодиётидаги долларлашув кўламини қисқартириш мақсадида миллий олтин бозори режимини белгилаш ва унда олтин нархи шаклланишининг бозор механизмларини жорий этиш;

– тижорат банклари мажбуриятларининг “долларлашуви”ни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва бунда валюта рискин хеджирлаш чораларини кўзда тутиш;

– миллий иқтисодиётга хорижий капиталлар оқимини рағбатлантириш мақсадида капиталлар ҳаракатини тартибга солиш тизимини босқичма-босқич эркинлаштириш;

– “Валютани тартибга солиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририда валютавий чекловларни қўллаш зарур бўлган ҳолатларни батафсил келтириш ва бунда валюта операцияларини амалга оширувчи резидент ва

норезидентларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказмасликка устуворлик берилишини белгилаб қўйиш;

– республикамиз тижорат банкларининг маҳаллий компаниялар товар ва хизматларини ташқи бозорларда сотилишини рағбатлантириш учун экспорт кредитлари ҳажмини ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, валюта курси ўзгаришининг компаниялар фаолияти, хусусан экспорт рақобатбардошлигига таъсирининг якуний натижаси ижобий ёки салбий бўлиши муқаррардир. Хусусан, девальвация корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш орқали рақобатбардошликка ижобий таъсир қилиши борасида ҳам ноаниқлик сақланиб қолаверади. Шу боисдан, сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан алмашинув курсини пасайтириш орқали экспортни қўллаб-қувватлашда хўжалик субъектларининг баланслари таркиби, хусусан, хорижий валютадаги мажбуриятлари ва активларининг муддат ва миқдор жиҳатдан мутаносиблиги, импорт ва экспорт эластиклиги каби омилларни ҳисобга олиш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Fetene Bogale Hunegnaw. (2017) Real Exchange Rate and Manufacturing Export Competitiveness in Eastern Africa// Journal of Economic Integration, Vol.32 No.4, December 2017, 891~912 <http://dx.doi.org/10.11130/jei.2017.32.4.891>
2. Frieden, Jeffry; Leblang, David; Valev, Neven. (2010) The political economy of exchange rate regimes in transition economies // Review of International Organizations, Mar 2010. Pages 21-35.
3. José M. Benavente, Christian A. Johnson. (2003) Debt Composition and Balance-Sheet Effects of Exchange Rate: A Firm level Analysis for Chile//Emerging Markets Review, Volume 4, Issue 4, December 2003, Pages 397-416
4. Reif, T. (2001) The Real Side of Currency Crises. Columbia University Working Paper. 2001. 27 P.
5. Takashi Hanagaki and Masahiro Hori. (2015) The Exchange Rate and the Performance of Japanese Firms: A Preliminary Analysis Using Firm-level Panel Data// Economic and Social Research Institute, Cabinet Office, JAPAN, 2015. 47 P. ([http://www.esri.go.jp/jp/workshop/150731/Session4\\_hori\\_b.pdf](http://www.esri.go.jp/jp/workshop/150731/Session4_hori_b.pdf))
6. Tilak Abeysinghe, Tan Lin Yeok. (1998) Exchange rate appreciation and export competitiveness. The case of Singapore// Applied Economics, 1998, 30, p.51-55.
7. Tkalec Marina, Verbič Miroslav. (2013) A New Look Into the Prevalence of Balance Sheet or Competitiveness Effect of Exchange Rate Depreciation in a Highly Euroised Economy. Post- Communist Economies, 25(2013), 2, pp. 225-240.
8. Željko Bogdan, Boris Cota, Nataša Erjavec. (2017) Current Account Balance and Export Performances: Evidence Based on New EU Countries// Zagreb International Review of Economics & Business, Vol. 20, No. 2, 2017. – pp. 33-48.
9. WenShwo Fang, Stephen M. Miller. (2007) Exchange rate depreciation and exports: the case of Singapore revisited// Applied Economics, Volume 39, 2007 - Issue 3, Pages 273-277.
10. Бекмуродов А.Ш., Жумаев Н.Х. (2019). Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари//“UzBridge” электрон журнали, I – сон май, 2019 йил 3 – 14 саҳифалар.